

## БОЛАЛАРДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ, БОШ ВА ЮЗ – ЖАҒ СОҶА ГЕМАНГИОМАЛАРИ

**М.А.Каримов<sup>1</sup>**

**Р.Р.Садиков<sup>2</sup>**

**Х.Х.Нурматова<sup>3</sup>**

**Наманган давлат университети, тиббиёт кафедраси<sup>1</sup>**

**Тошкент тиббиёт Академияси Хирургик касалликлар кафедраси<sup>2</sup>**

**Косонсой Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми<sup>3</sup>**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7949716>

Мавзунинг долзарблиги. Гемангиома сўзи 1843 йили Liston томонидан фанга олиб кирилган бўлиб, 1864 йилда немис патологанатоми Рудольф томонидан унга таъриф берилган. Кейинчалик 1867 йили Вирхов умуртқа поғонаси гемангиомасини тасвирлаб берган. 1840 йили Касабах ва Меррит сон соҳаси териси ва чуқур юмшоқ тўқимасини ўз ичига олган гемангиома ҳодисасини билдириб ўтди. 2008 йили Франциялик олимлар гуруҳи Christine Leaute – Lebreze ва ҳамкасблари гемангиома билан оғриган 11 нафар кўкрак ёшидаги болаларни пропраналол препарати билан муваффақиятли даволашга эришдилар.

Юз – жағ соҳа гемангиомалари стоматология, юз – жағ жарроҳлиги ва болалар онкологиясининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Гемангиома қон томирдан ривожланувчи яхши сифатли ўсма бўлиб, болаларда оғиз бўшлиғи, бош соҳа, жинсий аъзо соҳалари, юз ва жағ соҳаларида энг кўп учрайди. Бундай яхши сифатли ўсма организмнинг ўсиши билан биргаликда тез ривожланади ва баъзан ўсишдан тўхтаб ҳам қолади (2 % ҳолларда).

Илмий иш мақсади. Болаларда бош соҳа ва юз-жағ соҳа гемангиомаси ташхиси билан медикаментоз ва жарроҳлик даволаш натижаларини ўрганиш.

Материаллар ва услублар. Республика ихтисослаштирилган Онкология ва Радиология илмий амалий тиббиёт маркази Андижон вилоят филиалида (РИОваРИАТМ АФ) 2016 – 2020 йиллар давомида стационар ва амбулатор даволанган 0 – 8 ёшгача, оғиз бўшлиғи, бош ва юз – жағ соҳасида жойлашган гемангиома билан оғриган 58 нафар беморлар касаллик тарихи ва амбулатор карталарини ретроспектив таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари. Таҳлилий ўрганиш 58 нафар бемор касаллик тарихи ўрганилди. Улардан 28 нафари (48,3 %) ўғил бола, 28 нафари (51,7 %) қиз бола. Беморларнинг 34 нафари (58,6 %) Андижон, 19 нафари (32,7 %) Фарғона ва 5 нафари (8,7 %) Наманган вилоятларидан келиб даволанишган. Ёш бўйича тақсимланиши 0 – 6 ойлик (n25, 43,1%), 6 ой – 1 ёш (n14, 24,1 %), 1 – 3 ёш (n11, 19,0 %) ва 3 – 8 ёш (n8, 13,8 %) га мос келади. Беморларнинг яқинлари қизилликка (n57, 98,3 %), ҳосилага (n48, 82,7%), косметик нуқсонга (n18, 31,0%) ва қон кетишга (n2, 3,4%) шикоят қилиб мурожаат этган.

Барча беморлар стационар даволанишга муҳтож деб топилган ва стационар шароитда умумий оғриқсизлантириш остида жарроҳлик усулида ҳосилани олиб ташлаш ташрихи билан даволанган. Баъзи беморлар жарроҳлик амалиётидан аввал склеротик даво (этил спирти билан) ва криодеструкция билан даволанган. Ноинвазив даво усуллари қўлланилмаган. Касаллик қайталангач қайта мурожаат этган беморлар ҳисобланишади. Ташрихдан кейин 9 нафар беморда касаллик қайталанган ва 18 нафар

беморларда ҳар хил даражадаги ташрихдан кейинги чандиқлар қолган. 58 нафар бемор 208 (ўртача 3,6) кун шифохонада даволанган.

Хулоса. Таҳлил натижаси шуни кўрсатадиги, касаллик қайталаниши ва асоратлар 2 ва ундан катта ёшли беморларда кузатилганлиги, касалликни эрта аниқлаш ва эрта даво муолажалари тўғри танлаш даво самарадорлигини ортиши ҳамда иқтисодий самарадорликка олиб келади.

### References:

1. Каримов М.А., Мамарасулова Д.З., Садыков Р.Р., Нурматова Х.Х. New Approaches In The Diagnosis Of Oral Hemangiomas. The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research. August 20, 2020 | Pages: 50-57 Doi: <https://doi.org/10.37547/TAJMSPR/Volume02Issue08-07>
2. Каримов М.А., Садилов Р.Р., Махмудова Р.Ю., Якубов А.А., Тургунов З. и Рачимбердиева Г.А. (2023). Сравнительная эффективность лечения гемангиом полости рта ИК-лазерами. Евразийский научный вестник, 20, 5–11. Получено с <https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/4091>.
3. Каримов, М., Мамарасулова, Д., Садилов, Р., & Нурматова, Х. (2022). Результаты лечения гемангиом ротовой полости. Журнал вестник врача, 1(4), 163–166. <https://doi.org/10.38095/2181-466X-2020974-162-165>